

## Шукуҳли Наврӯз

Наврӯз шукуҳи ўлкамиз бўйлаб кезаётган айни паллаларда элдошларимизнинг қалбларидаги ғурурни юз-у кўзларидан пайқаш қийн эмас. Салкам тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган наврӯз айёмини нишонлаш кўтаринки кайфиятда ўтказиш республикамизнинг турли гўшаларида тантанали суръатда ташкил этилаётгани қувонарлидир. Эртанги кунга ишонч ва юрт тараққиётига, халқ фаровонлиги учун манфаат етказишга киши қалбида майл ва ифтихор туйғуси жунбуш уради.

2018 йил 16 мартда ТТЖ да наврӯз байрамига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида наврӯзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фикр алмашилди. Ушбу давра суҳбатида институтнинг талаба қизлари ва ўқитувчилари қатнашди.



**Институт хотин-қизлар кенгашининг раиси Zulfiya Hafizova ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**